

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВ БУНЁД АКТАМ ЎҒЛИ**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Усмонов Бунёд Ақтам ўғли**

Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини  
ошириш йўллари ..... 3

**Усмонов Бунёд Ақтам угли**

Пути повышения эффективности управления капиталом  
акционерных обществ ..... 23

**Usmonov Bunyod Aktam ugli**

Ways to raise the efficiency of capital management of joint stock  
companies ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВ БУНЁД АКТАМ ЎҒЛИ**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2022.1.PhD/Iqt2011 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Эшов Мансур Пўлатович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саттаров Одилжон Бердимуратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент  
**Тошматов Шухрат Амонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда йирик компанияларнинг инвестиция жозибадорлиги ва инвестиция маблағларининг ҳаракатида сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилаётган бўлиб, бу эса ўз навбатида, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигига, хусусан, жамиятнинг молиявий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Натижада «компаниялар капиталини самарали бошқариш ҳамда унинг қийматини баҳолашда ривожланган мамлакатлар фойдаланаётган усулларни жорий этиш, шунингдек, капитал бошқарув самарадорлигини оширишда молиявий активларни баҳолаш модели ва капиталнинг ўртача тортилган қиймати моделидан фойдаланиш ҳамда компания капиталнинг оқилона таркибини аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>. Ўз навбатида, капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, капитал таркибини оптималлаштириш, капиталнинг таркибий тузилмасини молиявий барқарорликни таъминлаш стратегияларига мос равишда шакллантириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги аввало капитални бошқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, мазкур жараёнда асосий таъсир этувчи коэффициентларни босқичма-босқич ошириш орқали молиявий барқарорлик ва мустақилликни таъминлаш, капитал самарадорлигига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир аниқ чоралар ишлаб чиқишни назарда тутати.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришнинг жорий босқичида капитални бошқариш самарадорлигини ошириш, жалб қилинаётган капитал баҳосини бозор қонуниятлари асосида аниқлаш ва келгусида олинадиган даромадликка мос равишда жойлаштириш, халқаро капитал бозоридан ресурслар жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини оширишда ўз капитали ва қарз капитали ўртасидаги мувозанатни сақлаш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш» белгиланган. Шу сабабли, капитал билан боғлиқ бўлган мультипликатор, самарадорлик ва левераж коэффициенти каби кўрсаткичлар қийматини аниқлаш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон «Капитал

<sup>1</sup> <https://home.kpmg/de/en/home/insights/2020/10/cost-of-capital-study-2020.html>

бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда уни молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва амалий масалалари Ф.Модильяни, М.Миллер, А.Дамодаран, С.Майерс, Н.Майлуф, Х.Леланд, Р.Брейли, Т.Теплова, В.Баранов, Ж.Граҳам, С.Харвей, А.Заров, С.Надежда, Л.Петрова, М.Ирман, А.Пурвати, Н.Арипин, О.Абдулмумини каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўзига хос тарзда тадқиқ этилган бўлиб, шунингдек капитал самарадорлигини оширишнинг муҳимлиги ва у билан бўлган муаммолар ўз аксини топган<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Modigliani F., Miller M.H. (1958). «The cost of capital, corporation finance and the theory of investment». The American Economic Review, Vol. 48, № 3 pp.261-97.; Damodaran, A. (2012). «Investment valuation: Tools and techniques for determining the value of any asset». Wiley; 3 editions, pp-992.; Myers, S., and N.S. Majluf, (1984). «Corporate Financing and Investment Decisions When Firms Have Information. Those Investors Do Not Have» Journal of Financial Economics Vol. 13, №2 pp.187-221.; Leland, H., 1994. Corporate debt value, bond covenants, and optimal capital structure. Journal of Finance Vol. 49, № 4., pp.1213-1252; Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. еттинчи нашр. Москва-2015.212. ; Теплова Т.В. Финансовый менеджмент: управление капиталом и инвестициями и др. – М.: ГУ ВШЭ, 2000. 504 с.; Баранов В.В. Финансовый менеджмент. Механизмы финансового управления предприятиями в традиционных и наукоемких отраслях. М.: Дело, 2002. 272 с.; Graham, J.R. and Harvey, C.R (2001) «The theory and practice of corporate finance: evidence from the field», Journal of Financial Economics 60, 187-243; Andrey Nikolaevich Zharov, Nadezda A. Stashevskaya, Leila A. Petrova (2018). Theoretical Approaches Of Assessment Of Financial Sustainability Of An Enterprise. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Volume 119 № 17 2018, pp. 1393-1397.; Husna,A., & Satria,I. (2019). Effects of return on asset, debt to asset ratio, current ratio, firm size, and dividend payout ratio on firm value.International Journal of Economics and Financial Issues,9(5), 50-54.; Irman, M., & Purwati, A. A. (2020). Analysis On The Influence Of Current Ratio, Debt to Equity Ratio and Total Asset Turnover Toward Return On Assets On The Otomotive and Component Company That Has Been Registered In Indonesia Stock Exchange Within 2011-2017. International Journal of Economics Development Research (IJEDR), 1(1), 36-44.; Aripin, Norhani and Abdulmumuni, Ogirima (2020) Financial leverage and financial performance of Nigerian manufacturing firms. International Journal of Supply Chain Management (IJSCM), 9 (4). pp. 607-614. ISSN 2050-7399.

Акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар, Н.Жумаев, М.Эшов, Б.Беркинов, Б.Тошмуродова, А.Бурханов, Ш.Шоҳаъзамий, М.Хамидулин, Р.Карлибаева, С.Элмирзаев, Х.Худойқулов, Х.Қурбонов, О.Ҳамдамов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган<sup>3</sup>.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятлари капитал активлари қийматини баҳолашга доир тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини ошириш етарлича ўрганилмаганлиги ва алоҳида комплекс тадқиқ этилмаганлиги, танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ «Ўзбекистонда инвестиция фондларининг ўзига жалб этиш механизмини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятлари капиталини бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш кўрсаткичларини таснифлаш ва асосий хусусиятларини аниқлаш;

ривожланган мамлакатлар компанияларида капитал бошқариш самарадорлигининг баҳолаш усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини асослаш;

акциядорлик жамиятларининг қарз капиталини баҳолашнинг замонавий усул ва воситаларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни баргараф этишга қаратилган тегишли таклифлар шакллантириш;

акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни эконометрик моделлаштириш асосида аниқ илмий натижага эришиш;

---

<sup>3</sup> Эшов М. Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: «Манавият», 2020.-200 б.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Тошкент, 2009. – 123 б.; Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Е., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: ТМИ, 2017. 325 б.; Бурханов А.У., Ҳамдамов О.Н.. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: «Инновацион ривожлантириш нашриёт – уйи», 2020. 240-241-б.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. И.ф.д. ил. дар. ол. дисс. автореферат. -Т, 2018, 30 б.; Элмирзаев С.Э., Бердиев Ў.Ж., Бўриев Ж.П. Миллий корпоратив облигациялар бозори: жорий ҳолат ва истиқболлар. Экономика и финансы (Узбекистан), 2021. (2 (138)), 33-38-б.; Худойқулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc. ил.дар. диссер. автореф. – Т.: 2021. – 21 б.; Қурбонов Х. Корпоративные финансы. - Тошкент «Иқтисод – Молия», 2007, с.40.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н. Бизнес қийматини баҳолаш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006, 228 б.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Дарслик. - Т., ТМИ. 2012, 178 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008, – 204 с.

акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, хусусан, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги акциядорлик жамиятлари фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини баҳолаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда иқтисодий-математик моделлаштириш, эмпирик, статистик маълумотларни гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, танлама кузатув, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигини оширишда ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги мутаносибликни 60/40 бўлиши акциядорлик жамиятлари молиявий мустақиллигини таъминлаши асосланган;

юқори қийматга эга истиқболли инвестицион стратегияларни ишлаб чиқишда мультипликатор кўрсаткичлари (умумкапитал рентабеллиги ROCE, левераж коэффициенти DR, соф фойда рентабеллиги NPM, капиталнинг ликвидлик коэффициенти CR) орқали баҳолаш натижасида акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини ошириш таклифи асосланган;

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарда капитал самарадорлигини баҳолашда (CPM - Capital Plan Management) кўрсаткичини киритиш таклиф этилган;

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш амалиётини жадаллаштириш ва қўшимча капитал жалб қилиш натижасида жамиятнинг фойда ва даромадлар миқдорини 2025 йилга қадар истиқболли прогнозлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида «капитал» атамаси ва уларни шакллантириш принципларига доир хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштирилган муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган ва унинг асосий хусусиятлари аниқлаштирилган;

акциядорлик жамиятларида капитални шакллантириш билан боғлиқ рискларни камайтиришда ўз маблағлари ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбатини оптималлаштиришга доир халқаро стандартларга асосан аниқ мезонларни жорий этишнинг илмий асослари шакллантирилган;

капитал самарадорлигини баҳолашга доир халқаро коэффицентлардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари ва улардан миллий амалиётда фойдаланишдаги мавжуд камчиликларини бартараф этишга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

капитал таркибини оптималлаштиришнинг хусусий капитал рентабеллигини ошириш, капитал қийматини минималлаштириш ва молиявий рисклар даражасини камайтириш орқали эришишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

«Фарғона азот» ва «Бекободцемент» акциядорлик жамиятлари капиталининг таркибий тузилиши, капиталдан фойдаланиш самарадорлик коэффицент-



ларини таҳлил қилиш орқали, капиталдан самарали фойдаланишнинг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқишга доир илмий тавсиялар асосланган;

акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлилини амалга ошириш орқали «Фарғона азот» ва «Бекободцемент» АЖларнинг капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг сценарий-прогноз натижалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари бўйича хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашларини ўрганиш, соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Корпоратив ахборот ягона портали ва акциядорлик жамиятлари статистик маълумотлари, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш, натижада мамлакатимиз капитал бозорини ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодиётдаги улушини сезиларли даражада ошириш, хусусан, инвестицияларни жалб этиш салмоғи билан бирга унинг жозибадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар акциядорлик жамиятлари капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, капитални шакллантириш билан боғлиқ молиявий риск даражасини камайтириш ҳамда капитал миқдорини оширишда замонавий инструментлардан фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида:

акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигини оширишда ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги мутаносибликни 60/40 бўлиши акциядорлик жамиятлари молиявий мустақиллигини таъминлашига доир таклифи «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон баённома қарорида ўз аксини топган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон далолатномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш орқали «Фарғона азот» АЖ халқаро умумэътироф этилган коэффицентларидан бири молиявий левераж коэффиценти (debt-to-equity ratio)ни 2015 йилдаги 4,53 коэффицентдан 2020 йилга келиб 0,25 коэффицентгача камайтиришга эришилган.

юқори қийматга эга истиқболли инвестицион стратегияларни ишлаб чиқишда мультипликатор кўрсаткичлари (умумкапитал рентабеллиги ROCE, левераж коэффиценти DR, соф фойда рентабеллиги NPM, капиталнинг ликвидлик коэффиценти CR) орқали баҳолаш натижасида акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини ошириш таклифи «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон баённомасида ўз аксини топган

(«Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон далолатномаси). Мазкур таклифда «Фарғона азот» АЖда капиталдан фойдаланиш самарадорлик коэффициентлар (ROE, ROA, ROS, ROCE)ини баҳолашнинг корреляция матрицаси ва кўп сонли регрессия натижалари асосида 2 хил модел ишлаб чиқилган. Биринчи моделга кўра узоқ муддатли активларнинг бир фоизга оширилиши ROАни 2,79 фоизга оширади, жами мажбуриятларни бир фоизга оширилиши ROАни 4,64 фоизга камайтириши аниқланган. Иккинчи моделга кўра эса узоқ муддатли активларнинг бир фоизга оширилиши ROЕни 2,95 фоизга оширади, жами мажбуриятларнинг бир фоизга оширилиши эса ROЕни 5,73 фоизга камайтирилиши асослаб берилган.

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарда капитал самарадорлигини баҳолашда (CPM - Capital Plan Management) кўрсаткичини киритиш таклифи «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон қарори асосида «Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли қарорида ўз аксини топган. Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятининг ижроия органи таркибига кимё саноати соҳасида кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган ва мазкур йўналиш бўйича хорижий нуфузли олий таълим муассасаларини битирувчи кадрлар жалб қилинган шунингдек 2021 йил 17-августда жамиятнинг Кузатув кенгашининг янги аъзолари сайланган.

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш амалиётини жадаллаштириш ва кўшимча капитал жалб қилиш натижасида жамиятнинг фойда ва даромадлар миқдорини 2025 йилга қадар истиқболли прогнозларини ишлаб чиқишга доир таклифи «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон баённома асосида «Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 10 февралдаги 03-455-сон далолатномаси). Мазкур таклиф асосида акциядорлик жамияти томонидан 2022-2025 йиллар мобайнида босқичма-босқич IPO ларни ўтказиш орқали 750 млрд. сўм миқдорида капитал жалб қилиш натижасида йиллик соф фойда миқдорини 650 млн. сўмга ошириш эконометрик усул-кичик квадратлар усули (OLS) орқали аниқланган ва асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан: 2 та хорижий, 3 та Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республикада ва 2 та хорижий журналда мақолалар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда акциядорлик жамиятлари капитали тушунчасига нисбатан илмий-назарий ёндашувлар, акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ва унинг таснифий жиҳатлари, акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда олиб борилаётган амалиётдан маълумки, компанияларнинг молиявий менежерлари капитал ва унини самарали бошқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда инвестиция оқимини муҳим омил сифатида ҳисобга олиш билан бир қаторда, турли инвесторлар томонидан компанияларнинг инвестиция салоҳиятини баҳолаш, шунингдек, инвестиция жараёнлари билан боғлиқ бўлган лойиҳаларини амалга оширишда компаниянинг капитал баҳоси, яъни компаниялар капиталидан оқилона фойдаланиш масаласи зарурлигини кўрсатмоқда. Молиявий тадқиқотларнинг муҳим қисми компаниялар капиталини бошқариш билан боғлиқ. Мазкур долзарб йўналишда қатор хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотлар олиб бормоқда. Булардан келиб чиққан ҳолда олимларнинг капиталга нисбатан турли ёндашувлари мавжуд бўлиб, хусусан, А.Дамодаран<sup>4</sup> фикрига кўра, капитал бу корхонанинг активларига инвестиция қилинган пул, моддий ва номоддий қийматликларнинг умумий қийматини ўзида ифодалайди. Бу эса, ўз ўрнида концептуал ҳамда эмпирик даражада кенг ўрганилаётган долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади ҳамда мазкур йўналиш бўйича олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим Kehinde James Sundayнинг<sup>5</sup> фикрига кўра, акциядорлик жамиятларида капитал самарадорлигини ошириш тўлов қобилияти ва унинг ликвидлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш уларнинг молиявий ҳисоботлари, назорат тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, ўз маблағларини бошқаришни самарали ташкил этиш, узлуксиз ўсиш ва тўлов қобилиятини таъминлашдан дарак берди.

Таниқли иқтисодчи олимлардан Модильяни ва Миллерлар капитал таркиби ва қийматини баҳолашни ўрганиб, капитал таркибини самарали шакллантириш

<sup>4</sup> Aswath damodaran. Applied corporate finance fourth edition. USA, 2018. - 88 p.

<sup>5</sup> Kehinde James Sunday. Effective Working Capital Management in Small and Medium Scale Enterprises, International Journal of Business and Management, Vol. 6, № 9; September 2011. Pp-271-279.

тамоийилларини изохлаб берган. Хусусан, муаллифларнинг фикрига кўра, капитал таркибини аниқлаш ва уни баҳолаш реал иқтисодиётга таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган солиқлар ва тушумлар, банкротлик, нобарқарор капитал бозори ва инфляция каби омилларни инобатга олмаган ҳолда капиталнинг самарали бошқариш ва капитал таркибини аниқлаш назариясига асос солинган<sup>6</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ф.Модильян ва М.Миллерлар назариясига кўра, капиталнинг оқилона таркибини аниқлашда, хусусий капитал билан қарз капитали таркибини боғлиқлиги бўйича бир қанча масалаларини кўриб чиқилади. Таъкидлаш жоизки, Ф.Модильян ва М.Миллерлар назарияси орқали асосан компаниянинг капитал самарали бошқаришга таъсир қилувчи омиллар аниқлаган, шу билан бирга, капитал қиймати, компаниянинг фойдаси ва компаниянинг қиймати каби омилларни инобатга олган ҳолда компаниянинг умумий капитал қийматини аниқлаш ва уни самарали бошқариш бўйича бир қанча хулосалар берилган. Хорижлик иқтисодчи олимлар Майерс ва Майлуф тадқиқотларига асосан компаниянинг капитал қийматини аниқлаш ва уни самарали бошқаришда тақсимланмаган фойда, хусусий капитал ва қарз капитали кўрсаткичлари асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қилади<sup>7</sup>.

Х.Х.Худойқуловнинг тадқиқотларига асосан, компанияларнинг қарз капитали қийматини баҳолашда дунёда кенг фойдаланилаётган коэффицентлардан ҳисобланган қарз қиймати, қарзни хусусий капиталга нисбати, левераж ва қарз коэффицентларидан кенг фойдаланиш орқали компаниялар капитали бошқариш самарадорлигини ошириш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган<sup>8</sup>. Иқтисодчи олимлар А. Бурханов, О. Ҳамдамовларнинг фикрига кўра, капитални самарали бошқариш компаниянинг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади ва бунда капиталнинг зарур активларини сотиб олишга йўналтирилиши ундан юқори даражадаги самарани олишни таъминлайди<sup>9</sup>.

Юқоридаги тадқиқотларга асосан, фикримизча, компаниянинг капитал самарадорлигини ошириш билан бир қаторда инвесторлар учун юқори миқдорда фойдани таъминлашда бугунги кунда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган усуллардан капитал активларни ва капитални рентабеллик даражасини баҳолаш, ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаган ҳолда капитални самарали бошқариш имкониятига эга бўлинади. Шунингдек, мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида бугунги кунда хорижий тадқиқотлардан фойдаланиш натижасида капиталнинг самарадорлиги даражаси юқори бўлади ва кутилаётган даромадни баҳолаш имкониятини беради.

Капитал таркибини оптималлаштиришга боғлиқ бўлган жараён мураккаб бўлиб, уни амалган ошириш икки қисмга бўлинган тарзда амалга оширилади. Улардан биринчиси сифатида, компания капиталининг таҳлили кўриб чиқилган бўлиб улар орқали мувофиқ оптимал капитал тузилмасини танлаш, иккинчидан,


<sup>6</sup> Modigliani F, Miller M.H. 1958. The cost of capital, corporation finance and the theory of investment. The American Economic Review, Vol. 48, № 3 pp.261-97

<sup>7</sup> Myers, S., and N.S. Majluf, (1984). Corporate Financing and Investment Decisions When Firms Have Information That Investors Do Not Have, Journal of Financial Economics Vol. 13, № 2 pp.187-221

<sup>8</sup> Худойқулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc. ил.дар. диссер. автореф. –Т.: 2021. – 21 б.

<sup>9</sup> Burxanov A.U., Hamdamov O.N. Molyaviy menejment. Darslik.-Т. «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», - 2020, 210-bet.

капитал тузилишини оптималлаштиришга қаратилган қарорларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш капитал самарадорлигини бошқаришда муҳим ричаг сифатида хизмат қилади.



1-расм. Акциядорлик жамияти капиталининг комплекс таҳлили<sup>10</sup>


Компаниялар капиталини комплекс таҳлил этиш, биринчидан, компания капитал тузилишини ва айланишини таҳлил қилиш имконини берибгина қолмасдан, балки уни чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, компания хусусий капитал ва қарз капитал таркибини баҳолаш билан бирга, компания капитал ҳаракати кўрсаткичларини таҳлили кўриб чиқилади. Иккинчидан, комплекс ёндашув натижасида компания капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиниб, бу орқали компания хусусий ва қарз капитал айланишини кузатиш билан бирга, унинг хусусий ва қарз капитал рентабеллигини таҳлили амалга оширилади. Учинчидан, компания капитал таркиби ва тузилишининг молиявий барқарорлигига таъсири ўрганилади ва баҳоланади. Тўртинчидан эса, компанияга зарур бўлган қўшимча капиталини шакллантириш ва капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг ўсиш захираларини аниқлаш ҳисобланади. Юқоридаги ёндашув орқали компания капиталини бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш билан бирга, компания ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда молиявий барқарорлигини ҳам таъминлайди.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Фикримизча, капитал билан боғлиқ бўлган жараёнда акциядорлик жамиятлари активлари, қарз капитали ва хусусий капиталини таркибий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида акциядорлик жамиятлари самарадорлик коэффицентларининг юқори даражасини таъминлаш билан бир қаторда, унинг молиявий барқарорлиги ҳам таъминланади. Буларнинг натижаси эса, акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлигини оширишга хизмат қилибгина қолмай, капиталга таъсир эувчи омилларнинг мувозанатини барқарор тарзда ушлаб туриш имкониятини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигининг амалдаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлили**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятлари капиталининг таркибий тузилиши ва молиявий фаолияти таҳлили, акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги ҳолати ва капитал самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, диссертация объекти сифатида танлаб олинган акциядорлик жамиятларида капитални шакллантириш билан боғлиқ омиллар натижасида истиқболда кутилаётган даромадлари сценарий таҳлил қилинган ва асосий хулосалар шакллантирилган.

Тадқиқот давомида, объект сифатида танлаб олинган «Фарғона азот» АЖнинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг динамикаси ҳолати барқарор тарзда эмаслиги, капитални бошқариш жараёнидаги камчиликлар аниқланганлиги боис, айнан ушбу акциядорлик жамиятини таҳлил қилишни тақозо этди. Бундан ташқари таҳлил жараёнида «Бекободцемент» АЖнинг ҳам молиявий ҳолати ўрганилган бўлиб, акциядорлик жамияти капиталини бошқариш самарали тарзда ташкил этилмаганлиги аниқланди. «Фарғона азот» АЖнинг муҳим молиявий кўрсаткичларидан ҳисобланган хусусий капитал кўрсаткичи йиллар давомида сезиларли даражада ўсганлигини кузатишимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Акциядорлик жамиятлари молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (млрд.сўмда)<sup>11</sup>

<sup>11</sup> «Фарғона Азот» АЖ ва «Бекободцемент» АЖларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

2-расмдаги маълумотларга кўра, 2015-йилда «Фарғона азот» АЖнинг хусусий капитали 262,5 млрд. сўмни қайд этган бўлса, 2016-йилга келиб бу 3,75 баробарга ортиб 985,8 млрд.сўмга етган. Шу билан бирга, 2020-йилга келиб эса, ушбу кўрсаткич 1321,0 млрд.сўмга етган. Хусусий капитал ҳажми йилдан йилга ошиб боришининг асосий сабаби сифатида жами активларнинг ошиши билан бир қаторда жами мажбуриятлар қисмининг камайиши билан изоҳланади.

Таҳлил қилинаётган даврда «Бекободцемент» АЖнинг хусусий капитали барқарор ўсиб борган, жумладан, 2015-йилда ушбу кўрсаткич 154,4 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 181,2 млрд.сўмга кўтарилган. 2020-йилда эса, 410 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 35% фоизга кўп бўлган (2-расм). Таъкидлаш жоизки, бундай ижобий натижаларнинг келиб чиқиши замирида резерв капитали ва тақсимланмаган фойданинг муҳим аҳамият касб этганлигидан дарак беради.

Акциядорлик жамиятлари самарадорлик даражасини оширишда ва унинг бақарор тарзда ривожланишида капитал самарадорлигини оқилона бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

### 1-жадвал

#### Акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили<sup>12</sup>

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>«Фарғона азот» АЖ</b>							
1	Активлар рентабеллиги	0,024	0,024	0,049	0,44	9,9	17,7
2	Хусусий капитал рентабеллиги	0,136	0,04	0,097	0,66	14,2	22,2
3	Сотув рентабеллиги	0,087	0,06	0,19	0,85	13,3	19,3
4	Молиявий левераж коэф (Debt-to-Equity (D/E))	4,53	0,74	0,94	0,48	0,42	0,25
5	Капитал нисбати (Equity ratio)	0,19	0,57	0,51	0,67	0,70	0,79
6	Капитализация коэф	0,59	0,19	0,31	0,28	0,26	0,16
7	ROCE	0,002	0,001	0,04	0,012	0,12	0,23
<b>«Бекободцемент» АЖ</b>							
1	Активлар рентабеллиги	0,37	10,29	2,24	9,61	3,31	19,7
2	Хусусий капитал рентабеллиги	0,62	15,56	3,16	12,18	4,94	24,4
3	Сотув рентабеллиги	0,31	8,14	1,60	6,97	2,84	14,37
4	Молиявий левераж коэф (Debt-to-Equity (D/E))	0,67	0,51	0,41	0,26	0,49	0,24
5	Капитал нисбати (Equity ratio)	0,59	0,66	0,71	0,78	0,67	0,80
6	Капитализация коэффиценти	0,30	0,18	0,067	0,04	0,26	0,15
7	ROCE <sup>13</sup>	0,30	0,54	0,547	0,46	0,07	0,28

<sup>12</sup> Акциядорлик жамиятлари йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>13</sup> ROCE- АЖнинг умумий капитал рентабеллиги бўлиб, ушбу коэффицент АЖ томонидан хусусий капитал ва узок муддатли жалб қилинган маблағлар (инвестициялар)дан биргаликда фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Диссертация ишида мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари капитали самарадорли баҳоланган ва таҳлил қилинган (1-жадвал). 1-жадвал маълумотларига кўра, «Фарғона азот» АЖнинг капитализация коэффиценти 2015-йилда 0,59 кўрсатиб, 2020-йилнинг охирига келиб 3,75 баробарга камайиши натижасида 0,16 даражани кўрсатди. Бу коэффицентнинг меъёрий даражаси 1 га тенг ҳисобланиб, у 1 дан қанчалик кўп бўлса, акциядорлик жамиятининг қарз маблағларига боғлиқлик даражаси юқори бўлади ва акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлиги камаяди. Бундан ташқари, ушбу коэффицентнинг жуда юқори даражада пастлиги акциядорлик жамиятининг келажакдаги капиталини бошқариш самарадорлиги билан боғлиқ аниқ стратегиянинг етишмаслигидан далолат беради. Шунингдек, «Фарғона азот» АЖнинг умумий капитал рентабеллиги (ROCE) коэффиценти таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида (2016 йилдан ташқари) мунтазам ошиб борган.

1-жадвал маълумотларига кўра, «Бекободцемент» АЖнинг молиявий левераж коэффиценти 2015-йилдан 2020-йилга қадар пасайиб бориши кузатилган бўлиб, у 2015-йилда 0,67 даражадан мунтазам пасайиш оқибатида 2020-йилга келиб 3 баробарга пасайган ҳолда 0,24 даражани ташкил этди. Айтиш жоизки, ушбу коэффицентнинг меъёрий даражаси 1 га тенг бўлиб, агарда у 1 дан катта бўлса, у ҳолда компаниянинг активларини кредиторларнинг қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштиради, аксинча, 1 дан кам бўлганда компания ўз активларини ўз маблағлари орқали молиялаштиради. Шу ўринда, «Бекободцемент» АЖнинг молиявий левераж коэффиценти натижаларидан кўринадики жамиятнинг ўз активларини ўз маблағларини йўналтириш орқали молиялаштиришига қарамасдан унда капитал бошқаруви самарадорлиги паст даражада эканлигидан далолат беради. Капитал нисбати (Equity ratio) 2015-йилда 0,6 даражани қайд этиб, у 2020-йилга қадар 34% га ўсиб 0,8 ни ташкил этди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Бекободцемент» АЖда ушбу коэффицент 0,5 дан юқори бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, акциядорлик жамияти қарз маблағларига нисбатан ўз маблағлари ҳисобидан кўпроқ молиялаштириш хусусиятига эга, лекин қарз маблағари ва ўз маблағларидан тўғри пропорционал тарзда фойдаланмаслик оқибатида акциядорлик жамияти фақатгина ўз маблағлари ҳисобидан фаолият олиб боради, бу эса ўз навбатида капитални бошқариш самарадорлигига салбий таъсир этиб, қарз маблағлари ва ўз маблағларини пропорционал ҳолда олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Капитализация коэффиценти эса, сезиларли даражада тушган бўлиб, 2015-йилда у 0,3 ни ташкил этган бўлса, 2020-йилда эса икки баробарга камайиб 0,15 ни қайд этди. Умумий капитал рентабеллиги (ROCE) коэффиценти йиллар мобайнида ўзгариб турган бўлсада, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада камайиб, 2015 йилда 0.301 даражадан 2020 йилда 0.279 даражани қайд этди.



Маълумотларнинг статистик таснифланиши<sup>14</sup>

№	Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
1	Узоқ муддатли активлар	12	474681,9	301893,2	166434	937295,2
2	Жорий активлар	12	566139,3	501413,2	76474,14	1525660
3	Жами активлар	12	1052162	757820,4	257622,2	2311146
4	Узоқ муддатли мажбуриятлар	12	217251,2	191242,1	13681,28	547464,3
5	Жорий мажбуриятлар	12	202280,4	265121,5	25178,5	802456,4
6	Жами мажбуриятлар	12	419531,6	408945,5	76278,57	1189563
7	Хусусий капитал	12	632630,6	475208,6	154403,8	1321058
8	Соф фойда	12	53827,82	89563,85	35652,7	292598,8
9	Соф тушум	12	674257,2	367229,3	310788,1	1521600
10	Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар)	12	216091,9	157547,1	63516,4	604097,9
11	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	12	93955,93	102723,7	8014,76	350478,9
12	Фоиздан даромадлар	12	141,8369	391,6381	0	1361,111
13	Фоиздан харажатлар	12	10255.04	19848.36	605,548	72915,28
14	ROA	12	6,143675	7,143803	0,0243869	19,68879
15	ROE	12	8,183535	9,105424	0,042647	24.43933

Тадқиқот жараёнида акциядорлик жамиятлари мисолида OLS (Ordinary least squares method) усулидан фойдаланган ҳолда капитални бошқариш самарадорлигини оширишга доир хулосалар шакллантирилган. Бунда, эконометрик таҳлилнинг дастлабки босқичида маълумотларнинг статистик таснифланишига доир молиявий натижалардан иборат шакллантирилди (2-жадвал). Мазкур жадвалда асосий кўрсаткичлар сифатида узоқ муддатли активлардан бошлаб, фоизлар даромадлар ва харажатлар келтирилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари умумий фаолиятига доир қўшимча мультипликатор коэффициентларни ҳам келтириш лозим. Бунда асосий аниқланган натижалар STATA 15 махсус дастурий таъминотидан орқали амалга оширилди. Умуман олганда, энг кичик квадратлар усулидаги регрессияси (OLS) - бир ёки бир нечта мустақил ўзгарувчилар ва боғлиқ ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатни баҳолайдиган статистик таҳлил усули ҳисобланади. Мазкур усул тўғри чизиқ сифатида тузилган боғлиқ ўзгарувчининг кузатилган ва прогноз қилинган қийматлари ўртасидаги фарқ квадратлари йиғиндисини минималлаштириш орқали муносабатни баҳолайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ROA ва ROE, соф фойда ва ROA, соф фойда ва ROE, узоқ муддатли активлар ва мажбуриятлар, хусусий капитал ва узоқ муддатли активлар, соф тушум ва хусусий капитал бир бири билан ўзаро юқори корреляцияга эгадир. Бу ушбу кўрсаткичларнинг биттасининг ошиши, иккинчисинининг ҳам ўсишига сабаб бўлади, деган хулосага олиб келади.

<sup>14</sup> STATA 15 махсус дастурий таъминоти орқали муаллиф томонидан ҳисобланди.

Ушбу ҳолат бўйича янада аниқроқ хулосага келиш учун 3-жадвал маълумотларини шакллантирамиз (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Кўп сонли регрессия натижалари<sup>15</sup>**

Кўрсаткичлар	(1) ROA	(2) ROE
Узоқ муддатли активлар	2.79*	2.95*
	(1.68)	(15.88)
Жорий активлар	12.45	14.91
	(11.57)	(15.73)
Жорий мажбуриятлар	11.66	13.64
	(12.01)	(16.33)
Узоқ муддатли мажбуриятлар	12.03	14.64
	(9.510)	(12.93)
Хусусий капитал	-9.564	-11.54
	(7.564)	(10.29)
Жами мажбуриятлар	-4.64*	-5.73*
	(2.47)	(3.06)
Constant	-14.91	-12.29
	(61.52)	(83.66)
Observations	12	12
R-squared	0.756	0.722
Standard errors in parentheses		
*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1		

1-регрессион модел:  $ROA = \beta_1 УМА + \beta_2 ЖА + \beta_3 ЖМ + \beta_4 ХК + \beta_5 ЖМ + \varepsilon_i$

2-регрессион модел:  $ROE = \beta_1 УМА + \beta_2 ЖА + \beta_3 ЖМ + \beta_4 ХК + \beta_5 ЖМ + \varepsilon_i$

